БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 113 (17.693). • 17 май 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида қатнашган Совет делегацияси 15 майда Варшавадан Москвага қайтиб келди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков бор эди.

Делегацияни аэродромда Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, М. С. Горбачев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари ва бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, СССР Министрлар Советининг Раисининг ёрдамчиси Б. Т. Бацанов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров делегация билан бирга Москвага қайтиб келдилар.

Кутиб олувчилар орасида ПХРнинг ССРдаги элчиси К. Ольшевский бор эди.

(ТАСС).

✦ Қишлоқ меҳнаткашлари якунловчи йил юксак марраларини муваффақиятли эгаллаш учун астойдил курашмоқдалар

✦ Республиканинг жанубий районларида дастлабки ҳосил — пилла топшириш, арпа ўрими қизғин

✦ «Оқ олтин» бунёдкорлари далаларда юз берган табиий қийинчиликларни моҳирлик билан бартараф этиб, экинларнинг яхши ривожланишига шароит яратмоқдалар

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 1980 йил 14—15 май кунлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Варшавада бўлиб ўтган юбилей кенгаши якунларини кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайдилар.

Варшава Шартномаси имзоланганидан буён ўтган чорак аср социалистик давлатларнинг кўп томонлама иттифоқи Европада ва умумжаҳон миқёсида жуда катта тинчлик омили эканлигини кўрсатмоқда. Бу иттифоқ унда қатнашувчи давлатларнинг социалистик ғалабаларини пухта ҳимоя қилмоқда, тинч ҳамкорлик манфаатларига фаол хизмат қилмоқда.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун, халқаро сиёсий иқлимни тубдан соғломлаштириш учун курашиб келдилар ва курашмоқдалар. Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши Польша Халқ Республикаси пойтахтида қабул қилган Декларация буни яна бир бор қатъиян таъкидлайди.

Бу муҳим сиёсий ҳужжатда ҳозирги Европадаги ва халқаро вазият чуқур анализ қилинган, шу вазиятнинг кескинлашиш сабаблари очиб берилган. Империалистик ва гегемонистик кучлар қуролланиш пойгасини авж олдиришга интилмоқдалар, можароли вазиятларни вужудга келтирмоқдалар, бу эса ҳарбий хавф-хатарнинг кучайишига олиб келмоқда. НАТО блоки раҳбар органларининг май ойида бўлиб ўтган сўнгги мажлисида яна шу йўналишдаги қарорлар қабул қилинди. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар «совуқ уруш»нинг тикланиш хавфини тугатишга, халқаро муносабатларда ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, воқеаларнинг боришини соғлом, тинч йўлга солишга даъват этилган хатти-ҳаракатлар кенг программасини НАТОнинг тутган хатарли йўлига қарши қўймоқдалар. Улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қабул қилган Якунловчи актнинг барча принциплари ва қоидалари тўла ҳажмда оғишмай амалга оширилмоғи учун астойдил курашмоқдалар. 1980 йилнинг кузида Мадридда ўтказиладиган учрашув, Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақирилиши ва унинг самарали иши Европа ишларида муҳим конструктив роль ўйнаши мумкин.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қарорлари кескинликни юмшатиш жараёнига яна бир кучли омил бахш этмоғи лозим. Совет кишилари афкор омма, Ғарб мамлакатларининг халқлари ва ҳукуматлари социалистик давлатларнинг ташаббусларини тушуниб, қўллаб-қувватлайдилар, деб умид билдирадилар.

АҚШ ва НАТО блокининг бошқа аъзолари жадаллаштираётган қуролланиш пойгаси Варшава Шартномаси қатнашчиларини ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўришга мажбур этади. Лекин уларнинг бу соҳадаги ҳамма чоралари бирон давлатнинг хавфсизлигига таҳдид қилгани йўқ ва таҳдид қилмайди ҳам.

Қуролсизланиш социализм идеали бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ҳозир қуролсизланиш юзасидан олиб борилаётган ҳамма музокараларда аҳдлашувларга эришиш учун ҳамда музокаралар қайси йўналишда узилиб қолган бўлса шу йўналишда яна бошлаб юборилиши учун курашмоқдалар. Шу жиҳатдан олганда СҚЧ-2 шартномасининг кучга кириши катта аҳамиятга эга бўлур эди. Америка томони шу шартномани ратификация қилишни пайсалга солмоқда. Европада ўртача олисликдаги ракета-ядро қуролларини чеклаш соҳасидаги музокаралар ўтказилиши зарур ва мумкин.

Совет Иттифоқининг бу борадаги таклифлари маълум: НАТО блоки Американинг ўртача олисликдаги янги типдаги ракета-ядро қуролини ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорини бекор қилса ёки ҳеч бўлмаганда бу қарор амалга оширилишини тўхтатиб қўйса, шу муҳим проблемага доир музокаралар бошлаб юборилади.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши қардош мамлакатларнинг интернационализм принципларига чуқур содиқ эканликларининг, улар сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи учун курашаётган барча халқлар билан ҳамиша бирдамликларининг яна бир намойиши бўлди. Улар империализм ва гегемонизм кучларининг бошқа давлатларнинг ички ишларига қўпол суратда аралашувини кескин қоралаб, мавжуд можароларни сиёсий воситалар билан бартараф этиш учун қатъий курашмоқдалар ҳамда халқаро сиёсатдаги мушкул чигалликларни еча оладиган конкрет йўлларни кўрсатиб бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети яқин фурсатда дунёдаги барча районлар давлатлари раҳбарларининг энг олий даражада учрашувини ўтказиш таклифига муҳим аҳамият бермоқдалар. Бундай учрашув халқаро ҳаётнинг муҳим масалаларига диққатни жалб эта олган, халқаро кескинлик манбаларини тугатиш ва уруш чиқармаслик йўлларини белгилаб берган бўлур эди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар турли социал системаларга мансуб мамлакатлар ўртасидаги мулоқотни давом эттириш ва чуқурлаштириш учун, барча тинчликсевар давлатларнинг кенг кўламдаги ҳамкорлиги учун курашмоқдалар. Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш сари олға бориш учун тўғри йўл кўрсатиб бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қардош социалистик мамлакатларининг дўстлиги ва жипслиги, уларнинг барча тинчликсевар давлатлар ва кенг кўламдаги жамоатчилик кучлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш кескинликни юмшатиш сиёсатининг янги муваффақиятлари сари олиб боради, саксонинчи йилларни тинчлик ва тинч бунёдкорлик йилларига айлантиради, деб ишонадилар.

Серқуёш республикамиз далаларида ҳаёт қайнайди. Пахтакору сабзавоткор, ғаллакору пиллакор, кўйингки, ерга умид билан уруғ қадаган, халқимиз ризқ-рўзини бунёд этаётганларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамма улкан хирмонларни кўзлаб чинакамига меҳнат қиляпти. Шуниси қувончлики, қабул пунктларига пилла ва ғалла ҳосили топшириш бошланди. Суратларда: 1. Нишон районидаги «Пахтаобод» совхозида пилла териш. Дастлабки ҳосилни саранжомлашга кўпчилик бир жону бир тан бўлиб қатнашяпти. Хўжаликда пилла теришга Хосият Нурматова бошлиқ звено аъзолари биринчи бўлиб киришдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан 120 килограммдан юқори сорт пилла олиш учун курашмоқдалар. 2. Сурхондарё область Ангор районидаги Куйбишев номли колхоз ғаллакорлари арпадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ғаллакорлар суғориладиган 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан арпа олишни мўлжаллашяпти. Бу кўзда тутилганидан икки баравар кўпдир. Илғор комбайнчилардан (чапдан) Наримон Қулсоатов, Мамат Йўлатов ва бригада бошлиғи Малик Холмёров хирмонда. 3. Куйбишев номли колхозда арпа ўрими.

Ш. Шаропов ва И. Хўжаев фотолари (ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯЛАР ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ВАРШАВА, 15 май. (ТАСС). Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида иштирок этган делегациялар:

БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси делегацияси;

ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегацияси;

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси;

РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси делегацияси;

ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегацияси бугун Варшавадан ватанига жўнаб кетди.

Делегацияларни ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Г. Яблоньский, ПХР Министрлар Советининг Раиси Э. Бабюх, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, ПБИП Марказий Комитетининг секретарлари кузатиб қолдилар.

ИШ ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 май. (ТАСС). Леонид Попов билан Валерий Рюминнинг космик вахтаси «Салют-6» — «Союз-35» — «Прогресс-9» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг ичида давом этмоқда.

Космик материалшунослик программасига мувофиқ «Кристалл» ва «Қотишма» установкаларида навбатдаги экспериментлар ўтказилди. Микрогравитация шароитларида бир қанча ярим ўтказгичларнинг кристаллари, шу жумладан галли арсиниди ва антимониди, галли-висмут бирикмаси олинди.

Космонавтлар вазнсизлик шароитида олий ўсимликларнинг ривожланишини ўрганиш мақсадида пиёз, буғдой, нўхат ниҳолларини улар ривожланишининг турли босқичларида вақти-вақти билан махсус эритмага солиб қўймоқдалар. Кейинчалик ана шу намуналар лаборатория тадқиқотлари учун Ерга олиб тушилади.

Орбитал комплекс экипажи табиий ресурсларни тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ қуруқлик ва денгизларни визуал кузатиб бормоқдалар ва суратга олмоқдалар. Бу тадқиқотлар халқ хўжалиги ва илм-фан турли тармоқларининг мутахассислари берган топшириқларига биноан ўтказилмоқда.

Учишни медицина жиҳатдан таъминлаш мутахассислари космонавтларнинг соғлиғи ва иш қобилияти ҳолатини муттасил контроль қилиб, вақти-вақти билан экипажни комплекс медицина текширувидан ўтказиб турибдилар. Шундай текширувлардан охиргисининг натижалари ҳар иккала космонавт ўзини яхши ҳис этаётганлигини кўрсатди. Командирнинг қон томири минутига 70 марта, борт инженериники эса 60 марта уриб турибди, қон босими командирда симоб устунининг 115 га 60 миллиметри ва борт инженерда 125 га 60 миллиметрига тенг.

Алоқа сеансларида Леонид Попов билан Валерий Рюмин учиш программаси муваффақиятли бажарилаётганлигини маълум қилмоқдалар.

ССССР Олий Совети Президиумида

СССР Министрлар Совети ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонуни асослари лойиҳасини СССР Олий Совети Президиумига тақдим этди.

Асослар лойиҳасини «Известия Советов народных депутатов СССР», «Социалистическая индустрия», «Сельская жизнь», «Труд» ва республика газеталарида (миллий тилларда) жамоатчиликнинг муҳокама этиши учун босиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Асосларнинг лойиҳасига доир ҳамма фикр-мулоҳазалар ва таклифлар қуйидаги адресга юборилиши керак: Москва, Кремль, СССР Олий Совети Президиумининг секретариати.

(«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонуни асослари» лойиҳаси газетамизнинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида босилди).

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

16 май куни Москвада 1980 йилги Ленин мукофотларини адабиёт ва санъат усталарига тантанали топшириш маросими бўлди. Давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, маданият арбоблари Кремлнинг Свердлов залига йиғилдилар.

СССР Министрлар Советининг ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. М. Марков лауреатларни самимий қутлаб, уларга ижодий камолотлар тилади.

Ҳозир бўлганларнинг қарсаклари остида К. Л. Славин, И. М. Ицков, А. М. Александров (Александров-Агентов), И. И. Гелейн, И. А. Григорьев, И. С. Гутман, Л. С. Данилов, В. В. Катанян, С. Г. Киселев, Л. М. Кристи, С. Н. Пумпянская, Т. А. Семёнов, Н. В. Соловьёва, А. Я. Рибакова, Д. С. Фирсова (Микоша), З. П. Фомина, И. А. Заринь, И. В. Ильинский, Е. .'. Исаев, Б. А. Покровский, А. И. Райкин, Н. М. Ромадин, С. И. Ростоцкий, В. М. Шумский, В. В. Тихонов, Т. Содиқов, А. Б. Соловьяненко, Д. А. Шмариновга юксак мукофотлар топширилди. П. А. Курочкин, И. Ф. Гунгер, В. С. Лановой, Н. В. Думбадзега мукофотлар кейинчалик топширилади.

Лауреатлар ўз фаолиятларига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик билдириб, замондошнинг илҳомбахш меҳнатига бағишланган янги асарлар яратишга бутун куч ва истеъдодимизни сарфлаймиз, деб ишонтирдилар.

Мукофотларни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев ҳозир бўлди.

(ТАСС мухбири).

ЛЕНИН ИШИГА СОДИҚМИЗ

Бу сўзлар Тошкент яқинидаги В. И. Ленин номли пионер лагерида пионерларнинг тантанали вазиятда очилган XIII республика слётининг шиори бўлиб қолди. Ўзбекистон ёш ленинчилар кўп миллионли қизил галстукли армиясининг намояндалари бу ерга тўпландилар.

Пионерлар слёти программасида совет халқининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратига бағишланган тантанали линейка ўтказиш ва пионер жасорати гулханини ёқиш кўзда тутилади. Меҳнат ва ижодкорлик кунида колхоз далаларига «десант» юборилади, ёш талантлар конкурслари ўтказилади. Делегатлар «Бутун мамлакат пионерлари Ленин ишига содиқ!» мавзуидаги Бутуниттифоқ пионер маршининг якунларини чиқарадилар, комсомол ва пионер ташкилотининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

СЕРФАЙЗ ДАЛАЛАР

Яқинда биз Оқдарё районидаги «Оқдарё» совхози далаларида бўлдик. 2730 гектар майдонга 8 иш кунида чигит экиб бўлган совхоз деҳқонлари ғўзага дастлабки ишлов беришни қизғин бошлаб юборишди. Бу иш Зулфия Сафарова, Раззоқ Холиқов, Ҳасан Қурбонов, Вали Тўхтаев, Юнус Азаматов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда, айниқса, намунали олиб борилаётган экан. Бу илғор бригадаларнинг деҳқонлари ҳар гектар ердан 40—45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини қабул қилишган.

Биз совхоз директори Абдуvoҳид Одиловни пахтазорда учратдик.

— Яганалашни яқин кунлар ичида тугаллаймиз, ҳар гектар ерда 125—130 минг туп ниҳол бўлишини таъминлаймиз, — дейди совхоз директори. — Участкаларни механизатор ва сувчиларга бириктиб қўямиз. Улар ҳар туп ғўзани ҳосил пишиб етилгунча асраб-авайлаб парвариш қиладилар. Ғўза парваришида намуна кўрсатган ҳар бир киши алоҳида рағбатлантирилади.

«Оқдарё» совхози далаларида шу кунларда 30 та чопиқ трактори юксак унум билан ишлатилаётир. Механизаторлар ёш ниҳолларга ишлов бериш билан бир қаторда уларни озиқлантириб ҳам бормоқдалар. Сувчилар эса суғоришга ҳозирлик кўришаётир. Хуллас, бу ерда ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили мўл ҳосилга пухта замин тайёрланмоқда.

Б. ИМОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

МЕВА, УЗУМ ВА САБЗАВОТНИ КЎПРОҚ ЕТИШТИРАЙЛИК

УРГУТ (Самарқанд области), 16 май. (ЎзТАГ). Бу йил Самарқанд областининг хўжаликлари мева, узум ва сабзавот етиштиришни анча кўпайтиришлари, аҳолининг «витаминли маҳсулот»га бўлган талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондиришлари лозим. Боғбонлар, соҳибкорлар ва сабзавоткорларнинг бугун Ургутда бўлиб ўтган область кенгашида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ана шу муҳим соҳасида ишлар қандай бораётганлиги тўғрисида, мавжуд резервлар ҳақида гаплашиб олинди. Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов очди.

Боғларда, токзорларда ва полизларда ишни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида турди. «Пастдарғом» совхозининг тажрибаси ижобий баҳога сазовор бўлди. Бу ерда рационализаторлар тупроқни ишлайдиган оригинал механизмлар яратдилар. Бундай механизмлар токзорларнинг қатор ораларига ишлов беришни тез суръатлар билан олиб бориш имконини бермоқда. «Красногвардейский», «Булунғур» боғдорчилик ва узумчилик совхозлари, Самарқанд районидаги Энгельс номли, «Москва» сабзавотчилик колхозлари деҳқонларининг тажрибаси оммалаштиришга лойиқдир.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

ҚАСБ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛИ

ФАРҒОНА, 16 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда тугаган Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари қишлоқ мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг ишини янада яхшилаш йўлларини муҳокама этдилар. Кенгашда Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Закавказье, Болтиқ бўйи республикалари мактаблараро комбинатларининг педагоглари, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, директорлари, маориф ходимлари иштирок этдилар.

СССР маориф министрининг ўринбосари В. М. Коротов ўқувчиларни халқ хўжалигида меҳнатга тайёрлаш соҳасида мактаблараро комбинатларнинг роли тўғрисида доклад қилди. Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов мажлис аҳлига республикадаги қишлоқ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг иши ҳақида гапириб берди.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ мактабларининг ўқувчиларини ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш тажрибаси билан ўртоқлашдилар, Қува районидаги мактабларда бўлиб, бу ерда меҳнат тарбиясининг қўйилиши билан танишдилар. Улар «Коммунизм» колхозида янги икки қаватли мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини тантанали равишда очиш маросимида иштирок этдилар. Бу комбинат колхоз маблағи ҳисобига қурилган.

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ

Республика областларида шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 16 майга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

СУРХОНДАРЁ	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
Сирдарё	—	96,8
Хоразм	3,8	84,3
Андижон	6,7	64,3
ҚҚАССР	4,6	54,9
Республика бўйича:	3,5	69,7

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ШАҲРИСАБЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик мутахассисларини ўқитиш, коммунистик руҳда тарбиялаш, тайёрлаш соҳасидаги катта муваффақиятлари учун ва ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил, 16 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Қишлоқ хўжалик мутахассисларини ўқитиш, коммунистик руҳда тарбиялаш ва тайёрлаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги, бу ишга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларига мувофиқ Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг директори Теша Ваҳобович **Азимов** ва ўқитувчи Али Иброҳимович **Иброҳимов** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими** фахрий унвони берилди.

Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми хўжалик, совет ва партия органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Ғиждувон район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Салим **Раҳимовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

ЛОЙИҲА

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида мамлакатимизда энг муҳим социал проблемалардан бирини ҳал қилиш — меҳнаткашларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Совет давлати коммунистик жамият қурилишининг ленинча ғояларини турмушга татбиқ эта бориб ва халқнинг моддий ҳамда маданий турмуш даражасини юксалтириш йўлини амалга ошира бориб, Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган уй-жой қурилиши программасини изчиллик билан рўёбга чиқармоқда.

Давлат планлари асосида давлат ва жамоат уй-жой фонди ривожланишининг юксак суръатлари, кооператив ва якка тартибда уй-жой қуришга кўмаклашиш бобида давлат томонидан амалга оширилаётган тадбирлар гражданларнинг СССР Конституциясида гарантияланган уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш учун мустаҳкам моддий-техника базаси яратмоқда.

Уй-жой фондининг яхши сақланишини таъминлаш, унинг хизмат муддатини узайтириш, турар жойларнинг ободончилик даражасини ошириш муҳим давлат вазифасидир. Бу вазифани ҳал қилишда жамоат ташкилотлари ва гражданлар фаол иштирок этмоқдалар.

СССР Конституцияси гражданларга ўзларига бериб қўйилган уй-жойларни авайлаб сақлаш мажбуриятини юклайди.

Совет уй-жой қонунлари гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлашга, уй-жой фондидан самарали фойдаланиш ва уни яхши сақлашга ёрдам бермоғи лозим.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **ССР гражданларининг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи**

ССР Конституциясига мувофиқ, ССР гражданлари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ давлат ва жамоат уй-жой фондини ривожлантириш ва авайлаб сақлаш билан, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қуришга кўмаклашиш билан, обод уй-жой қурилиши программаси амалга оширила борган сари бериб бориладиган уй-жой майдонини жамоатчилик контроли остида одилона тақсимлаш билан, шунингдек квартира ва коммунал хизмат ҳақининг камлиги билан таъминланади.

2-модда. **Совет уй-жой қонунларининг вазифалари**

Совет уй-жой қонунларининг вазифалари ССР гражданларининг ССР Конституциясида гарантияланган уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, уй-жой фондидан тегишинча фойдаланиш ва уни яхши авайлаб сақлаш мақсадида уй-жой муносабатларини тартибга солиш, шунингдек уй-жой муносабатлари соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

3-модда. **ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонунлари**

СССРда уй-жой муносабатлари ушбу Асослар ва ССР Иттифоқининг шу Асосларга мувофиқ равишда чиқариладиган уй-жой хусусидаги бошқа қонун актлари билан иттифоқдош республикаларнинг уй-жой кодекслари ва уй-жой хусусидаги бошқа қонун актлари билан белгиланади.

Турар жойлар қуриш билан боғлиқ муносабатлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг тегиши қонунлари билан тартибга солинади.

4-модда. **Уй-жой фонди**

ССР территориясидаги уй-жойлар, шунингдек бошқа иморатлардаги турар жойлар уй-жой фондини ташкил этади.

Уй-жой фонди:

давлат қарамоғида бўлган уй-жойлар ва бошқа иморатлардаги турар жойлардан (давлат уй-жой фонди);

колхозлар ва бошқа кооператив ташкилотларга, уларнинг бирлашмаларига, касаба союзларига ва бошқа жамоат ташкилотларига қарашли уй-жойлар ва бошқа иморатлардаги турар жойлардан (жамоат уй-жой фонди);

уй-жой қуриш кооперативларига қарашли уй-жойлардан (уй-жой қуриш кооперативлари фонди);

гражданларнинг шахсий мулкида бўлган уй-жойлардан (якка тартибдаги уй-жой фонди) иборатдир.

Давлат уй-жой фонди халқ депутатлари маҳаллий Советларининг (маҳаллий Советларнинг уй-жой фонди) ҳамда министрликлар, давлат комитетлари ва идораларнинг ихтиёрида бўлади (идорага қарашли уй-жой фонди). Шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкаларда мавжуд бўлган идора уй-жой фондига қарашли уйлар ССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан белгиланадиган тартибда ва муддатларда астасекин халқ депутатлари маҳаллий Советлари ихтиёрига ўтказилиши лозим.

Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари балансида бўлган турар жой ҳисобланмаган айрим иморатлар ҳамда уй-лар савдо, маиший ва носаноат характердаги эҳтиёжлар учун мўлжалланган бўлиб, турар жой ҳисобланмаган хоналари уй-жой фондига кирмайди. Мазкур иморат ва бинолардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек улардан фойдаланиш ва ремонт қилиш учун зарур моддий-техника таъминоти уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг хўжалик фаолиятини планлаштириш чоғида ҳисобга олинади.

5-модда. **Уй-жойлар ва турар жой биноларининг вазифаси**

Уй-жойлар ва турар жой хоналари гражданлар истиқомат қилиши учун мўлжалланғандир.

Идорадаги турар жой хоналари ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра иш жойларида ёки иш жойига яқин ерда истиқомат қилишлари лозим. Бўлган гражданлар учун мўлжалланган бўлади ва уларга берилади. Турар жой хизмат бинолари қаторига халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитетининг қарори билан киритилади. Хизмат жойидаги турар жойлардан квартира берилиши мумкин бўлган ходимлар категорияси рўйхати, шунингдек бу бинолардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланади. ССР Министрлар Совети томонидан белгиланган ҳолларда хизмат жойидаги турар жойлар айрим категориядаги ҳарбий хизматчиларга ҳам берилиши мумкин.

Ишчилар, хизматчилар, студентлар, ўқувчилар, шунингдек бошқа гражданлар иш ёки ўқиш даврида яшашлари учун ётоқхоналардан, яъни шу мақсад учун махсус қурилган ёки жиҳозлаб қўйилган уй-жойлардан фойдаланишлари мумкин. Ётоқхоналардан уй-жой майдони бериш ва ундан фойдаланиш тартиби иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Давлат ва жамоат уй-жой фонди уй-жойлари ва турар жойларини истиқомат қилинмайдиган биноларга айлантириш фавқулодда ҳолларда автоном республика Министрлар Совети, халқ депутатлари вилоят, область Советининг ижроия комитети, автоном область ва автоном округ, шаҳар (республикага бўйсунувчи шаҳарларда) халқ депутатлари Советининг ижроия комитети томонидан, областларга бўлинмаган иттифоқдош республикада эса — халқ депутатлари район, шаҳар (республикага бўйсунувчи шаҳарларда) Советининг ижроия комитети томонидан амалга оширилиши мумкин. Идорага қарашли ва жамоат уй-жой фонди уй-жойлари ва турар жой хоналарининг вазифасини ўзгартириш тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг таклифига биноан амалга оширилади.

Уй-жойлардан саноат характеридаги эҳтиёжлар учун хоналар ажратиб бериш тақиқланади.

Уй-жойлар ва турар жой хоналари гражданлар томонидан шахсий бойлик орттириш, меҳнат қилмай даромад топиш мақсадида ва бошқа ғаразгўйлик мақсадларида, шунингдек жамият манфаатларига хилоф тарзда фойдаланилиши мумкин эмас.

6-модда. **Келгусида ўзининг бевосита вазифасидан фойдаланишга яроқсиз уй-жойлар ва турар жой хоналарини уй-жой фондидан чиқариш**

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилайдиган муддатларда уй-жойлар ва турар жой хоналари келгусида ўзи-нинг бевосита вазифасидан фойдаланишга яроқсизлигини аниқлаш мақсадида вақт-вақти билан техника кўригидан ўтказиб турилади. Яшаш учун яроқсиз уйлар ва турар жой хоналари бузиб ташланади ёки ушбу Асосларнинг 5-модаси тўртинчи қисмида кўрсатилган органларнинг қарори билан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қайтадан жиҳозлаб чиқилади.

7-модда. **Уй-жой муносабатларини белгилаш соҳасида ССР Иттифоқи компетенцияси**

Уй-жой муносабатларини белгилаш соҳасида ССР Иттифоқи ихтиёрида қуйидаги ҳуқуқлар бўлади:

1) мамлакатда уй-жой муносабатларини қонун йўли билан белгилашнинг ягоналигини таъминлаш;

2) давлат уй-жой хўжалиги органлари тузилиши ва фаолиятининг умумий асосларини белгилаб бериш;

3) иттифоқ қарамоғидаги уй-жой хўжалигига раҳбарлик қилиш, иттифоқ-республика қарамоғидаги уй-жой хўжалигига умумий раҳбарлик қилиш;

4) иттифоқдош республикалар, ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари бўйича уй-жой фондини капитал ремонт қилиш юзасидан план топшириқларини белгилаш;

5) уй-жой фондини ремонт қилиш соҳасида ягона техника сиёсатини ўтказиш;

6) иттифоқдош республикалар, ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари бўйича уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилиш учун моллявий ва материал ресурслар сарфлаш нормативларини белгилаб бериш;

7) уй-жой фонди давлат учётининг ягона тартибини белгилаб бериш;

8) уй-жой шароитларини яхшилашга, уй-жой олишга ва уй-жойлардан фойдаланишга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олишнинг асосий қоидаларини белгилаб бериш;

9) барча иттифоқдош республикалар учун уй-жой май. донининг ягона ҳисобланган энг кам нормасини ва қўшимча уй-жой майдони нормаларини белгилаб бериш;

10) квартира ҳақи миқдорини ва турар жой бинолари ҳамда коммунал хизмат ҳақини тўлаш юзасидан имтиёзлар белгилаш;

11) уй-жой қуриш кооперативлари тузилиши ва фаолиятининг асосий қоидаларини белгилаб бериш;

12) уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни яхши сақлаш устидан давлат контроли олиб бориш ҳамда бу контролни амалга ошириш тартибини белгилаб бериш;

13) ССР Конституцияси ва ушбу Асосларга мувофиқ уй-жой фондидан фойдаланиш ҳамда унинг яхши сақланишини таъминлаш соҳасидаги умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

8-модда. **Уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида иттифоқдош республикаларнинг компетенцияси**

ССР Иттифоқи компетенциясидан ташқари доирада уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида иттифоқдош республика қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) республикада уй-жой муносабатларини қонун йўли билан белгилаб бериш;

2) иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги уй-жой хўжалигига раҳбарлик қилиш, давлат уй-жой бошқаруви органлари тузилиши ва фаолияти тартибини белгилаб бериш;

3) республикада уй-жой фондини капитал ремонт қилиш юзасидан план топшириқларини белгилаш;

4) республика территориясида уй-жой фондининг давлат учётини олиб бориш;

5) уй-жой майдони нормасини белгилаб бериш;

6) уй-жой шароитларини яхшилашга, турар жой бинолари берилишига ва улардан фойдаланишга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб бериш;

7) квартира ҳақи ва коммунал хизмат ҳақини тўлаш тартиби ва муддатларини белгилаб бериш;

8) уй-жойлардан техника жиҳатдан фойдаланиш қоидалари ва нормаларини ҳамда уй-жойларга қарашли территориялардан фойдаланиш қоидаларини белгилаб бериш;

9) уй-жой қуриш кооперативларининг тузилиши ва фаолият тартибини, кооператив аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб бериш;

10) уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни яхши сақлаш устидан давлат контролини амалга ошириш;

11) башарти ССР Иттифоқи компетенциясига кирмайдиган масалалар бўлса, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг яхши сақланишини таъминлаш соҳасидаги бошқа масалаларни ҳал қилиш.

II БЎЛИМ. УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БОШҚАРИШ

9-модда. **Уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви**

Уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланиши соҳасида давлат бошқаруви ССР Министрлар Совети, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, ўз ихтиёрида уй-жой фонди бўлган министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, шунингдек махсус ваколати бўлган давлат органлари томонидан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

10-модда. **Давлат ва жамоат уй-жой фонди ҳамда уй-жой қуриш кооперативлари фондини бошқариш**

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари уй-жой фондини шу Советларнинг ижроия комитетлари ва улар тузадиган бошқарув органлари бошқарадилар.

Идорага қарашли уй-жой фондини шундай фондга эга бўлган министрликлар, давлат комитетлари ва идоралар бошқарадилар.

Жамоат уй-жой фондини бошқариш колхозлар ва бошқа кооператив ташкилотларнинг, уларга қарашли бирлашмаларнинг бошқарув органлари, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан уларнинг уставлари (низомлари)га мувофиқ равишда амалга оширилади.

Давлат-колхоз ва бошқа давлат-кооператив бирлашмаларининг, корхоналар, ташкилотларнинг мулки ҳисобланган уй-жойлар ва турар жой биноларини тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш. мазкур уй ва биноларни ишлатиш ва ремонт қилиш учун харажатлари маблағ билан таъминлаш ушбу Асосларда жамоат уй-жой фонди учун кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Уй-жой қуриш кооперативлари фондини бошқариш уй-жой қуриш кооперативларининг бошқарув органлари томонидан уларнинг уставларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

11-модда. **Давлат ва жамоат уй-жой фондини бошқаришда ва уни авайлаб сақлашни таъминлашда жамоат ташкилотлари ҳамда гражданларнинг иштироки**

Касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз уставларидаги вазифаларга мувофиқ, шунингдек гражданлар давлат ва жамоат уй-жой фондини бошқаришда ҳамда уни авайлаб сақлашни таъминлашда иштирок этадилар.

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш, уй-жой майдони олиш учун навбат белгилаш, шунингдек давлат ва жамоат уй-жой фондидаги уйларда уй-жой майдонини тақсимлаш жамоат контроли остида ошкора иш тутиш принципига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат органлари уй-жой фондидан фойдаланишни яхшилаш ва уни авайлаб сақлаш тадбирларини амалга оширишда жамоат ташкилотлари ва гражданларнинг таклифларини ҳар томонлама ҳисобга олишлари зарур.

12-модда. **Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари**

Давлат ва жамоат уй-жой фондидан фойдаланиш учун хўжалик ҳисоби асосида иш кўрувчи уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари тузилади.

Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари уй-жой фондининг яхши сақланишини ва ундан тегишинча фойдаланишни, гражданларга юқори савияда хизмат кўрсатишни таъминлайдилар, шунингдек гражданлар турар жой биноларидан фойдаланиш, уйлар ва уй атрофидаги территорияларни яхши тутиш қоидаларига риоя этишларини контроль қилиб турадилар.

Уй-жойлардан фақат битта уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти фойдаланиши мумкин. Агарда идорага қарашли уй-жой фонди уйларидан фойдаланиш учун уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти тузиш мумкин бўлмаса, бундай уйлардан фойдаланиш ана шу уйлар қарашли бўлган корхона, муассаса ва ташкилот томонидан амалга оширилади.

Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти тўғрисидаги типовой низом иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ёки ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари томонидан белгиланадиган тартибда тасдиқланади.

13-модда. **Турар жой хоналарини тасарруф этиш**

Турар жой хоналари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ равишда тасарруф этилади.

Давлат уй-жой фонди уйларидаги турар жой хоналари халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советлари ижроия комитетларида ҳисобга олиб борилади. ССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилаб қўйган ҳоллар ва тартибда гражданлар ўз истиқомат жойларидан бошқа жойда ҳам ҳисобга олинишлари мумкин.

Қўшимча уй-жой майдони бериш тартиби ва шартлари ҳамда уни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ССР Иттифоқи қонунлари билан белгилаб қўйилади.

25-модда. **Турар жойларга нисбатан қўйиладиган талаблар**

Гражданларга яшаш учун бериладиган турар жой мазкур аҳоли пунктидаги ободончилик шарт-шароитларига татбиқан обод ва шинам бўлиши, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган санитария ва техника талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Турар жой бериш вақтида битта хонага, эр-хотиндан ташқари, ҳар хил жинсда бўлган тўққиз ёшдан катта шахсларни кўчириб киритишга йўл қўйилмайди.

Гражданларнинг ушбу Асосларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган турар жойни олишдан бош тортишлари уларни уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар учётидан ўчириш учун асос бўла олмайди.

26-модда. **Турар жой бериш тартиби**

Турар жойлар гражданларга қуйидаги тартибда берилади:

халқ депутатлари маҳаллий Советларининг уйларидан — халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети томонидан ижроия комитети ҳузуридаги тузиладиган жамоатчилик уй-жой комиссияси иштирокида;

идорага қарашли уй-жой фондидаги уйлардан — корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти ва касаба союз фабрика, завод, маҳаллий комитети биргаликда чиқарган ҳамда халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитети тасдиқланган қарорга биноан, ССР Министрлар Совети томонидан кўзда тутилган ҳолларда эса, маъмурият билан касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети биргаликда қабул қилган қарорга биноан берилиб, кўчиб кириш учун турар жой биноси берилганлиги ҳақида кейинчалик халқ депутатлари Советининг тегишли ижроия комитетига маълум қилинади;

кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг уйларидан — тегишли ташкилот органи билан касаба союз маҳаллий комитети биргаликда қабул қилган қарорга биноан берилиб, бу ҳақда кейинчалик халқ депутатлари тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитетига хабар қилинади.

Давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига топширилган уй-жойлардаги бўшаб қолган турар жойга шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳисобга асосда қатнашиш учун ажратган маблағларини жалб этган ҳолда қурилган турар жой биноларига биринчи навбатда шу корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ходимлари кўчиб кирадилар. Кўчиб киришнинг бу тартиби, уй қачон топширилганлиги ёки қурилганлигидан қатъи назар, қўлланаверади.

27-модда. **Уй-жойга ордер**

Давлат ва жамоат уй-жой фондидаги уйлардан турар жой бериш тўғрисидаги қарорга асосан халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети гражданга уй-жойга кўчиб кириш учун бирдан-бир ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи ордер беради.

Аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган ҳарбий шаҳарчаларда турар жойга ордерлар ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда берилади.

Ордернинг шакли иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Уй-жойга ордер ушбу Асосларда белгилаб қўйилган турар жой бериш шартлари ва тартиби бузилган тақдирда ёки турар жой бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда мансабдор шахслар қонунсиз ҳаракат қилган тақдирда ёхуд гражданлар уй шароитини яхшилашга муҳтож эканликлари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этган тақдирда суд йўли билан у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

28-модда. **Турар жойни ижарага олиш шартномаси**

Давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидаги турар жойларни ижарага олиш шартномаси уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти (бундай ташкилот бўлмаганда — ихтиёрида шундай фонд мавжуд бўлган корхона, муассаса, ташкилот) билан турар жойни ижарага олувчи ўртасида ордер асосида ёзма шаклда тузилади.

Ижарага олувчи билан бирга яшовчи оила аъзолари барча ҳуқуқлардан ижарадор билан баравар фойдаланадилар ва турар жойни ижарага олиш шартномасидан келиб чиқувчи ҳамма мажбуриятларни биргаликда бажарадилар. Оиланинг вояга етган аъзолари ижара шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан ижарага олувчи билан бир хилда масъулиятлидирлар.

Турар жойни ижарага олувчи оила аъзоларининг розилиги билан истаган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидаги турар жой ларни ижарага олиш шартномаси ижарадорнинг талабига биноан қонуида белгиланган асослар бўйичагина ва фақат суд тартибида бекор қилиниши мумкин, бироқ қолиш хавфи бор уйлардан кўчириб чиқариш ҳоллари бундан мустасноди.

Турар жой биносини ижарага олишнинг типовой шартномаси, турар жойлардан фойдаланиш, уй-жойлар ва уй атрофидаги территорияларни озода тутиш қоидалари иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан тасдиқланади.

29-модда. **Турар жойни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш**

Турар жойни ижарага олиш шартномаси ижарага олувчи унинг оила аъзолари ва ижарадорнинг розилиги билангина ўзгартирилади, ушбу Асослар ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар бўйича олинади.

Квартира ҳақи ва коммунал хизматлардан фойдаланиш ҳақи бўйича имтиёзлар ССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланади.

Колхозга қарашли уйларда яшовчи гражданлар учун колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан квартира ҳақи тўлашга имтиёзлар берилиши мумкин.

30-модда. **Турар жойдан ва коммунал хизматлардан фойдаланиш ҳақи**

Давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳақи (квартира ҳақи)нинг миқдори ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Белгиланган нормалардан ортиқ уй-жой майдонига эга бўлган ижарага олувчи оила аъзоларининг розилиги билан халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетидан, мазкур уй қарашли бўлган корхона, муассаса, ташкилотдан эгаллаб турган уй-жой майдони ўрнига белгиланган тартибда кичикроқ ҳажмдаги уй-жой майдони беришни талаб қилишга ҳақлидир.

31-модда. **Вақтинча бирор ерга кетган гражданлар турар жойининг сақланиши**

Гражданлар вақтинча бирор ерга кетган тақдирда уларнинг турар жойи сақланади. Вақтинча бирор ерга кетган гражданларнинг турар жойини сақлаш шартлари ва муддатлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Белгиланган муддатлардан ортиқча вақт бўлмаганлиги натижасида шахснинг ўз турар жойидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисоблаш суд йўли билангина бўлади.

32-модда. **Турар жойни бронлаб қўйиш**

Гражданлар эгаллаб турган турар жой улар чет элга ишга юборилган тақдирда — чет элда бўлган бутун вақт давомида, Узоқ Шимол ва унга тенглаштирилган жойларга ишлаш учун юборилган тақдирда —меҳнат шартномаси амалда бўлган вақт давомида, ССР Иттифоқи қонунларида назарда тутилган ҳолда эса — Узоқ Шимол районларида ва уларга тенглаштирилган жойларда бўлган бутун вақт давомида бронлаб қўйилади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан турар жойларни бронлаб қўйишнинг бошқача ҳоллари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

33-модда. **Турар жойларни алмаштириш**

Турар жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга яшаб турган оила аъзолари, шу жумладан мазкур уйда вақтинча истиқомат қилмаётган шахсларнинг ёзма тарздаги розилигини олиб, эгаллаб турган ўз турар жойини бошқа ижарага олувчи билан ёки уй-жой қуриш кооперативи аъзоси билан алмаштиришга ҳақлидир.

Мазкур турар жойда яшовчи шахслар ўртасида алмашув ҳақида бир битимга келинмаган тақдирда, шу шахслардан ҳар бири ўзи эгаллаб турган хонани суд йўли билан бошқа уйлардаги (квартиралардаги) хонага мажбуран алмаштиришни талаб қилиб чиқа олади. Бундай ҳолларда алмашувга қарши бўлган шахсларнинг уй-жой шароитлари ёмонлаштириб қўйилмаслиги керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг уйларидаги турар жойларини алмаштиришга шу корхона, муассаса, ташкилотларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Гражданларнинг шахсий мулки ҳисобланган уйларни алмаштиришга фақат уй эгасининг розилиги билан йўл қўйилади. Алмашувга розилик беришдан воз кечиш ҳолати юзасидан суд йўли билан шикоят қилиш мумкин. Гражданларга қарашли уйлардаги турар жойларни алмаштириш ҳоллари бундан мустасноди.

Уй-жой майдонини алмаштириш тўғрисидаги битим халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети томонидан бериладиган ордер билан расмийлаштирилади (27-модда). Бундай ордер беришни рад этганлик юзасидан суд орқали шикоят қилиш мумкин.

(Давоми учинчи бетда).

ЛОЙИҲА

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Турар жойларни алмаштириш тартиби ва алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайдиган шарт-шароитлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

34-модда. **Турар жойни ижарага қўйиш**

Турар жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг розилиги билан ва ижарага берувчининг розилигини олиб мазкур турар жойни ижарага қолдиришга ҳақлидир, бу турар жой ундаги гражданлар вақтинча бўлмаган даврда улар учун сақланади ёки бронлаб қўйилади. Иттифоқдош республикаларнинг қонунларида турар жойларни ижарага қўйишга йўл қўйиладиган бошқа ҳолатлар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Турар жойни гаров билан ижарага бериш тартиби ва шартлари, ундан фойдаланиш ва ижарага олиб қолганларни бу турар жойдан кўчириш шартлари иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

35-модда. **Уй капитал ремонт қилиниши муносабати билан гражданларга турар жой бериш**

Давлат ва жамоат уй-жой фонди уйи бошқатдан планлаштирилиб, турар жой бинолари қайта ускуналаниши назарда тутилган ҳолда капитал ремонт қилинадиган бўлса, ижарага берувчи капитал ремонт ишини бажариш вақтида ижарага олувчи ва унинг оила аъзоларига бошқа турар жой хоналари бериши шарт. Ижарага олувчи мазкур бинога кўчишдан бош тортган тақдирда, ижарага берувчи уни суд йўли билан кўчириб ўтказишни талаб қилиши мумкин, бунда ремонт қилинаётган бинони ижарага олиш шартномаси бузилмайди.

Ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари эгаллаб турган турар жой биноси капитал ремонт натижасида бут сақланиши мумкин бўлмаган ёки унинг майдони анча камаядиган ёхуд ортиб кетадиган ҳолларда, ижарага олувчи ва унинг оила аъзоларига капитал ремонт ишлари бошлангунга қадар бошқа қулай турар жой берилиши лозим.

36-модда. **Турар жой биносидан кўчириш**

Давлат ва жамоат уй-жой фонди уйида эгаллаб турилган турар жой биносидан кўчиришга қонунда белгиланган асосларга биноангина йўл қўйилади.

Кўчириш суд орқали амалга оширилади. Турар жой биносини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки босиб қоладиган аҳволдаги уйларда яшовчи шахсларнигина прокурорнинг санкцияси билан маъмурий тартибда кўчиришга йўл қўйилади.

Турар жой биноларидан кўчирилган гражданларга айни вақтда бошқа турар жой берилади, ушбу асосларда кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир.

37-модда. **Гражданларни уларга бошқа турар жой бериш шарти билан кўчириш**

Гражданлар давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидан қуйидаги ҳоллардагина бошқа, қулай турар жой бериш шарти билан кўчириладилар:

турар жой хоналари жойлашган уй бузилиши лозим бўлган тақдирда;

уй (турар жой биноси) қулаш ҳолига келиб қолган тақдирда;

уй (турар жой биноси) одам яшамайдиган бино сифатида қайта жиҳозланадиган тақдирда.

Офицерлар, прапоршчиклар ва мичманлар, СССР Қуролли Кучлари сафида муддатдан ташқари ҳарбий хизматда бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган, ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаб истеъфога ёки запасга чиққан кишилар, шунингдек улар билан бирга яшаб турган шахслар аҳоли пунктларидан ташқаридаги ҳарбий шаҳарчаларда ўзлари эгаллаб турган турар жой биноларидан бошқа, қулай турар жой бериш шарти билан кўчирилиши мумкин.

Қуйидагилар ҳам бошқа турар жой бериш шарти билан кўчирилиши мумкин:

Турар жой берган халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан узрсиз сабабларга биноан, ўз хоҳишига биноан ёки меҳнат интизомини бузганлик ёхуд жиноят содир қилганлиги учун ишдан бўшаганликлари сабабли меҳнат муносабатини узган ишчи ва хизматчилар (улар билан бирга яшовчи шахслар ҳам шу ҳисобда). Бундай корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг рўйхати СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан тасдиқланади;

колхозларнинг уйларидан турар жой биноси олиб, лекин колхоз аъзолигидан чиқарилган ёки ўз ихтиёри билан колхоздан чиққан гражданлар.

ССР Иттифоқи қонунларида гражданларни уларга бошқа турар жой бериш шарти билан кўчиришнинг бошқача ҳоллари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

38-модда. **Гражданларни уларга бошқа турар жой биноси бермаган ҳолда кўчириш**

Башарти ижарага олувчи унинг оила аъзолари ёки бошқа фойдаланувчилар турар жой биносини систематик равишда бузиб ёки ишдан чиқариб келаётган, ёхуд ундан ўз ўрнида фойдаланмаётган бўлса, ёинки социалистик турмуш қоидаларини доимо бузиши оқибатида бошқаларнинг у билан бирга битта квартирада ёки битта уйда яшашининг иложи бўлмай қолиб, огоҳлантирув ва жамоат таъсири кўрсатиш чоралари унга кор қилмаса, айбдорлар ижарага берувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар талабига биноан бошқа турар жой бермаган ҳолда кўчириб юбориладилар.

Қуйидагилар ҳам бошқа турар жой биноси бермаган ҳолда кўчирилиши мумкин:

Турар жой биносини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар, башарти уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши ўз болалари билан биргаликда яшашига имкон бермаса.

Ордер олган шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари оқибатида турар жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда бундай шахслар бошқа турар жой берилмаган ҳолда кўчириб юборилиши мумкин. Мабодо ордерда кўрсатилган гражданлар илгари давлат ёки жамоат уй-жой фонди уйидаги турар жойда фойдаланиб келган бўлсалар, уларга ўзлари эгаллаб келган ўша турар жой ёки бошқа турар жой биноси берилиши лозим.

39-модда. **Ишлаб турган жойдаги турар жой биноларидан кўчириш**

Корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узган ишчи ва хизматчилар, шунингдек колхоз аъзолигидан чиқарилган ёки колхоздан кетиб қолган гражданлар ўзлари ишлаб келган жойдаги турар жой биносидан (улар билан бирга яшовчи барча шахслар билан бирга) бошқа турар жой бермаган ҳолда кўчириб юбориладилар.

Бундай ҳолда қуйидагилар уларга бошқа турар жой бермасдан туриб кўчирилишлари мумкин эмас: уруш инвалидлари ва СССРни ҳимоя қилиш вақтида ёки ҳарбий мажбуриятларни бажариш вақтида ярадор бўлиш, контузияга учраш ёки майиб бўлиш оқибатида, ёхуд фронтда бўлган чоғида касалликка учраш оқибатида инвалид бўлиб қолган уруш инвалидлари ва ҳарбий хизматчилардан иборат бошқа инвалидлар; ҳаракатдаги армия составида бўлган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари; СССРни ҳимоя қилиш вақтида ёки ҳарбий хизмат юзасидан бошқа бурчларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчилар ва партизанларнинг оилалари; ҳарбий хизматчиларнинг оилалари; хизмат вазифаларини бажариш вақтида ярадор бўлиш, контузияга учраш ёки майиб бўлиш оқибатида инвалид бўлиб қолган СССР Ички ишлар министрлиги органлари составидаги оддий аскарлар ва бошлиқлар составидан бўлган инвалидлар; ўзига шу жойдан уй-жой майдони берган корхонада, муассасада, ташкилотда камида ўн йил ишлаган кишилар; лавозимига кўра турар жой биноси олган бўлиб, шу лавозимдан кейин бўшатилса-да, лекин мазкур бинони берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар; корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан, ёхуд ходимлар сонини ёки штатини қисқартириш оқибатида ишдан бўшатилган шахслар; қарилик пенсиясига чиққан пенсионерлар, шахсий пенсионерлар; ишлаб турган жойида турар жой берилган, вафот этган ходимнинг оила аъзолари; I ва II группа меҳнат инвалидлари, ҳарбий хизматчилардан ва уларга тенглаштирилган шахслардан иборат I ва II группа инвалидлар; ўзлари билан бирга вояга етмаган болалари бўлган ёлғиз кишилар.

40-модда. **Ётоқхоналардан кўчириш**

Ўз ишини тугатган мавсумий, муваққат ходимлар ва маълум бир муддатга тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлаб келган шахслар, шунингдек ўқув юртларида ўқиб, улардан кетган кишилар иши ёки ўқиши муносабати билан жой берилган ўз ётоқхонасидан бошқа турар жой бермаган ҳолда кўчириб юборилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ўз иши юзасидан ётоқхона олган бошқа ходимлари узрсиз сабаблар билан ўз хоҳишига биноан, меҳнат интизомини бузганлик ёки жиноят содир этганлик учун ишдан бўшатилган тақдирда бошқа турар жой бермаган ҳолда кўчириб юборилиши мумкин. Бошқа сабабларга биноан ишини тўхтатган шахслар, шунингдек ушбу асосларнинг 39-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар уларга бошқа турар жой бериш шарти билангина кўчирилиши мумкин.

41-модда. **Чет элларда ишловчи гражданларни турар жой билан таъминлаш**

Чет эллардаги совет ташкилотларида ишлаш учун юборилган гражданлар ўзлари борган жойларида Совет давлати ёки СССР жамоат ташкилотларига қарашли уйлардаги, ёхуд совет ташкилотлари ижарага олган уйлар ёки турар жой биноларидаги уй-жой майдони билан таъминланадилар.

Уй-жой майдонининг ҳажми мазкур уйлардан турар жой бериш ва ундан фойдаланиш шартлари СССР Министрлар Совети аниқлаб берадиган тартибда белгиланади.

2-боб.

Гражданларни уй-жой қуриш кооперативлари уйларидаги турар жой билан таъминлаш

42-модда. **Уй-жой қуриш кооперативлари уйларидан турар жой олиш ҳуқуқи**

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган гражданлар уй-жой қуриш кооперативи аъзолигига киришга ва ундан қулай квартира олишга ҳақлидирлар.

Уй-жой қуриш кооперативи аъзолигига киришни хоҳловчи гражданларнинг ҳисобини олиш тартиби, шунингдек, гражданларни кооператив аъзолигига қабул қилиш шартлари ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Уй-жой қуриш кооперативларининг намунавий уставлари иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилайдиган тартибда тасдиқланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уй-жой қуриш кооперативлари фаолиятини, уларга қарашли уйлардан фойдаланилиши ва ремонт қилиб турилишини контрол қилиб борадилар.

Уй-жой қуриш кооперативларига қарашли уйлардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилишда давлат мазкур кооперативларга ёрдам бериб туради.

43-модда. **Уй-жой қуриш кооперативи аъзосига турар жой бериш ва ундан фойдаланиш**

Уй-жой қуриш кооперативи аъзолигига қабул қилинган шахсга шу кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қабул қилган ва халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитети томонидан тасдиқланган қарорга биноан оила аъзоларининг сонига, у тўлаган пай взноси суммасига ва уй-жой қуриш кооперативининг намунавий уставида кўзда тутилган уй-жой майдонининг энг кўп ҳажмига мувофиқ равишда битта ёки бир неча хонадан иборат алоҳида квартира берилади.

Турар жой кооператив аъзосига муддатсиз фойдаланиш учун берилади. Пайчи ва унинг оила аъзолари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган ҳоллардан ташқари ўз турар жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Уй-жой қуриш кооперативига қарашли уйдаги квартирага халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети берадиган ордер асосида кўчиб кирилади. Ордер беришдан бош тортганлик юзасидан судга шикоят қилиш мумкин.

Пайчи ва унинг оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари, турар жой биноларидан фойдаланиш шартлари ва турар жойдан фойдаланишни бекор қилиш асослари кооператив устави билан белгиланади.

3-боб.

Якка тартибда қурилган уй-жой фонди уйларидаги турар жойдан фойдаланиш

44-модда. **Гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи**

Гражданлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда ва шартларда ўз шахсий мулкида уй-жойга (уйнинг бир қисмига) эга бўлишга ҳақлидирлар.

Давлат ўз шахсий мулкида уй-жойи бўлган гражданларга бу уйларни ремонт қилиш ва ободонлаштиришда кўмаклашади.

Гражданларнинг шахсий мулкида бўлган уй-жойлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган ҳоллардан ташқари, тортиб олиниши мумкин эмас, уй эгаси эса уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

45-модда. **Уй-жойдан фойдаланиш**

Шахсий мулк ҳисобланган уй-жойни шу уй эгаси тасарруф этади.

Гражданлар уй-жойдан ўзлари яшаш учун ва уларнинг оила аъзолари яшаши учун фойдаланадилар. Улар бу уйга бошқа гражданларни кўчириб келтиришга, шунингдек, уни ижарага беришга ҳақлидирлар.

Уйдаги турар жой хоналарини ижарага бериш шартлари ва тартиби, ижара шартномасини бекор қилиш ва ижарага олувчини кўчириб чиқариш асослари ва тартиби иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Ўз шахсий мулкида уй-жойга (уйнинг бир қисмига) эга бўлган гражданлар уни авайлаб сақлашлари, ўз ҳисобларига жорий ва капитал ремонт қилишлари шарт. Гражданларга қарашли уйлар ремонти уларнинг хоҳиши билан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан бажарилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари гражданларга қарашли уйларнинг яхши сақланиши устидан контрол қилиб борадилар.

46-модда. **Ер участкалари қайтариб олиниши сабабли уйлари бузилиши лозим бўлган гражданларни уй-жой билан таъминлаш**

Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиниши сабабли гражданларнинг шахсий мулкидаги уй-жойлар бузиладиган бўлса, мазкур гражданларга ва уларнинг оила аъзоларига давлат ёки жамоат уй-жой фонди уйларидан белгиланган нормалар бўйича квартира берилади. Бундан ташқари, бундай гражданларга, уларнинг талабига қараб, бузиладиган шу уйлар, иморатлар ва қурилмаларнинг қиймати тўланади, ёхуд бу уйларни, иморатларни ва қурилмаларни бузиб олишдан чиққан материал-ускуналардан уларнинг хоҳиши билан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Гражданларнинг истаги билан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уларга квартира бериш ўрнига уй-жой қуриш кооперативига навбатсиз аъзо бўлиб кириш ва шу кооперативдан уй-жой майдони олиш имкониятини яратиб берадилар.

Гражданларнинг хоҳишига қараб улар ихтиёридаги бузилиши лозим бўлган уй-жойлар ва иморатлар бошқа жойга олиб бориб ўрнатилиши мумкин.

СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган ҳолларда уйи бузилиши лозим бўлган гражданлар учун уларнинг истагига қараб, янги жойда шундай уй ва қурилмалар қуриб берилади ҳамда улар мазкур гражданларнинг шахсий мулки қилиб топширилади. Бундай ҳолда бузилаётган иморат ва қурилмаларнинг қиймати тўланмайди.

Квартиралар бериш тартиби ва бузилаётган уйлар, иморатлар ва қурилмаларнинг қийматини тўлаш тартиби ҳамда уларни бошқа ерга кўчириб ўрнатиш шартлари СССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

IV БЎЛИМ. УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ, УНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА ЯХШИ САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

47-модда. **Ижарага берувчининг уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг яхши сақланишини таъминлаш мажбурияти**

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар уй-жой фондини яхши сақлаш ва унинг ободонлигини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ижарага берувчи уй-жой фондини ўз вақтида ремонт қилиб туриши, уйларнинг ва турар жой биноларининг инженерлик ускуналари узлуксиз ишлашини таъминлаши, уйларга кираверишдаги подъездларини ва атрофдаги территорияни тегишли тарзда тутиши лозим.

48-модда. **Гражданларнинг уй-жойларини авайлаб сақлашни таъминлаш мажбурияти**

Гражданлар ўзлари яшаб турган уйга, квартираларнинг санитария-техника ва бошқа ускуналарига, ободончилик объектларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари, уларнинг яхши сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари, турар жой биноларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари, уй-жойларнинг ва уй атрофидаги территориянинг аҳволига қараб туришлари, шунингдек, подъездларда, лифт кабиналарида, зинапояларда ва умумий фойдаланиладиган бошқа жойларда тозалик ва тартиб бўлишига риоя қилишлари зарур.

Турар жойларни ижарага олувчилар ўз ҳисобларидан квартиралар ичкарисини жорий ремонт қилиб туришлари, турар жой биноси бўшаб қолган тақдирда эса, иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланадиган тартибда уни тегишли ҳолатда топширишлари лозим.

49-модда. **Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилишни уюштириш**

Давлат ва жамоат уй-жой фондидан, шунингдек уй-жой қуриш кооперативлари фондидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш ишлари уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилишнинг ягона қоидалари ҳамда нормаларига албатта риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкалардаги давлат уй-жой фондидан (у қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар) фойдаланиш ва уни ремонт қилиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланадиган тартибда уй-жойлардан фойдаланиш ягона хизматини амалга оширувчи ҳамда ремонт-қурилиш ишларини амалга оширувчи ягона хизмат орқали бажарилади.

Давлат уй-жой биноларидан фойдаланиш ҳамда ремонт-қурилиш ишлари хизмати иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланадиган тартибда жамоат уй-жой фонди уйларига ва уй-жой қуриш кооперативлари фондига шартнома асосида техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш учун буюртма қабул қилишлари шарт.

Қишлоқларда жойлашган бўлиб, колхозларга, совхозларга ва бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотларга қарашли уйлардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш ишлари уларнинг уй-жойларидан фойдаланиш ва ремонт-қурилиш хизматлари томонидан бажарилади. Бундай хизмат бўлмаган тақдирда, мазкур уйлардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш вазифаси иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган шартларда ва тартибда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг уй-жойлардан фойдаланиш ва ремонт-қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилади.

Чет эл давлатларининг территорияларида жойлашган бўлиб, Совет давлатига ёки СССРнинг жамоат ташкилотларига қарашли уй-жойлар ва турар жой биноларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш шартлари ССР Иттифоқи Қонунларида кўрсатилган тартибда белгиланади.

50-модда. **Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилиш харажатларига маблағ ажратиш**

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни жорий ҳамда капитал ремонт қилиш харажатлари учун маблағлар уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ажратилади, бу маблағлар камлик қилган тақдирда, — давлат бюджети ҳисобидан берилади.

Идорага қарашли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни жорий ремонт қилиш харажатлари учун маблағлар корхоналар, муассасалар, ташкилотларга бўйсунувчи уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари ҳисобидан ажратилади, бу маблағлар камлик қилган тақдирда, — шу уй-жой фонди қарашли бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ажратилади. Идорага қарашли уй-жой фондини капитал ремонт қилиш тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг шу мақсадлар учун ажратилган маблағлари ҳисобидан бажарилади.

Жамоат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилиш харажатлари учун маблағлар шу фонд эгаларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Уй-жой қуриш кооперативлари уйларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш харажатлари учун шу кооперативлар ҳисобидан маблағ ажратилади.

51-модда. **Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилишни материал-техника билан таъминлаш**

Давлат ва жамоат уй-жой фондидан ҳамда уй-жой қуриш кооперативлари фондидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш учун зарур бўлган материал-техника ресурслари СССР Министрлар Совети томонидан белгиланадиган тартибда уларни сарфлаш нормаларига мувофиқ иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларига берилади.

V БЎЛИМ. УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАН ТЕГИШИНЧА ФОЙДАЛАНМАСЛИК ВА САҚЛАМАСЛИК УЧУН МАСЪУЛИЯТ

52-модда. **Уй-жой фондидан тегишинча фойдаланмаслик ва сақламаганлик учун масъулият**

Қуйидаги шахслар, яъни:

уй-жойлар ва турар жой биноларига кўчиб кириш юзасидан белгиланган муддатларни бузишда;

турар жой биноларидан фойдаланиш, умумий фойдаланишдаги жойлар, пиллапоялар, лифтлар, подъездлар, уй атрофидаги территорияларни санитария жиҳатидан озода сақлаш қоидаларини бузишда;

уй-жойлар ва турар жой биноларини ўзбошимчалик билан қайта қуриш ва янгидан планлаштиришда ҳамда улардан нотўғри фойдаланишда;

уй-жойлар, турар жой биноларини ва инженерлик ускуналаридан фойдаланиш қоидаларини бузишда ҳамда уларни хўжасизларча тутишда;

уй-жойлар, турар жой биноларини ва уларнинг ускуналарига путур етказишда айбдор бўлган кишилар

ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ равишда жиноий, маъмурий ёки бошқа жавобгарликка тортиладилар.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида уй-жой тўғрисидаги қонунларни бошқача тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Гражданнинг ўзига қарашли уйни тегишинча сақламаганлик учун масъулият иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

53-модда. **Уй-жой фондига етказилган зарарни ундириб олиш**

Уй-жойларга, турар жой биноларига, инженерлик ускуналарига, ободончилик объектларига ёки уй атрофидаги дарахтларга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, гражданлар етказилган зарарни қоплашлари шарт.

Корхона, муассаса, ташкилотлар, қайси бир мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг айби бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ харажатлар сарфланган бўлса, ўша мансабдорлар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўладилар.

VI БЎЛИМ. УЙ-ЖОЙ ХУСУСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

54-модда. **Уй-жой хусусидаги низоларни ҳал қилиш тартиби**

Уй-жой хусусидаги низолар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ суд, арбитраж, ҳакамлар ва ўртоқлик судлари, касаба союзлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари томонидан шунингдек, тегишли ваколати бўлган бошқа органлар томонидан ҳал қилинади.

VII БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

55-модда. **Халқаро шартномалар**

Башарти СССР қатнашаётган халқаро шартномада Совет уй-жой тўғрисидаги қонунларда баён этилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Агарда иттифоқдош республика қатнашаётган халқаро шартномада шу иттифоқдош республиканинг уй-жой хусусидаги қонунларида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги қонунларига нисбатан ҳам худди шундай тартиб жорий этилади.

АДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

КОБУЛ, 14 май. (ТАСС). Бахтар агентлиги АДР ҳукуматининг Эрон ва Покистон билан муносабатларни ҳал қилиш йўллари хусусидаги қуйидаги баёнотини тарқатди:

Афғон халқи 1978 йил апрелида миллий-демократик революция қилиб, ўз йўлини узил-кесил танлаб олди ва мамлакатда тенглик, адолат принципларига асосланган янги жамият, инсонни-инсон эксплуатация қилишига йўл қўймайдиган жамият қуриш йўлига ўтди.

Янги афғон жамияти халқнинг миллий, тарихий, маданий ва диний анъаналарини чуқур ҳурмат қилишга ҳамда уларга риоя этишга ва муқаддас дин бўлмиш ислом дини принципларига жуда қаттиқ риоя қилишга асосланади. Мусулмонларга диний ибодат қилиш эркинлиги қонун билан гарантияланади.

Афғон халқи тинч шароитларда янги турмуш қуришни, барча қўшнилари билан, мусулмон мамлакатлар билан, бошқа ҳамма давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни хоҳлар эди. Аммо у ўзининг ички ишларига империалист ва бошқа реакцион кучларнинг қўпол аралашувига, шу жумладан қуролли аралашувига дуч келди. Афғонистон халқи ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини, у ўзи яшайдиган социал-сиёсий тузумни ўзи белгилаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга азму қарор берган.

АДР ҳукумати Афғонистон Демократик Республикасининг асосий принципларига мувофиқ тинч-тотув яшаш принциплари ҳамда ижобий ва актив қўшилмаслик сиёсати АДР ташқи сиёсат фаолиятининг асоси эканини тасдиқлаб, Афғонистонга қарши агрессив ҳаракатларни унинг ички ишларига ташқаридан қилинаётган қўпорувчилик ҳаракатининг ва аралашувнинг бошқа ҳар қандай формаларини тўлатўкис ва кафолатли тўхтатишни таъминлаш учун, шу районда вужудга келган кескинликни тугатиш ва ихтилофларни тинч воситалар билан, музокаралар ёрдамида сиёсий жиҳатдан ҳал этишга интилаётганини билдиради.

Сиёсий жиҳатдан ҳал этиш программаси қуйидаги қоидаларга асосланган бўлур эди:

1. АДР ҳукумати Эрон Ислом Республикасининг ҳукуматига иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида икки томонлама битим ишлаб чиқиш учун Афғонистон — Эрон музокаралари ўтказишни таклиф қилади. АДР ҳукумати Покистон ҳукуматига ҳам муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида икки томонлама битим ишлаб чиқиш мақсадида Афғонистон—Покистон музокаралари ўтказишни таклиф қилади. Бу битимларда суверенитетни ўзаро ҳурмат қилишга, муносабатларни яхши қўшничилик ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида ривожлантиришга тайёрликка тааллуқли ҳамма қабул этган қоидалар баён қилинган бўлур эди, шунингдек ўз территориясидан бир-бирига қарши қуролли ва бошқа ҳар қандай душманлик фаолиятига йўл қўймаслик тўғрисидаги конкрет мажбуриятлар кўзда тутилган бўлур эди.

2. АДР ҳукумати биронбир сабабга кўра Покистон ва бошқа қўшни давлатлар территориясида вақтинча турган афғонларни ватанига қайтиб келишга яна даъват қилади ва АДР ҳукуматининг 1980 йил 1 январда эълон қилган умумий афвга ҳамда шу хусусда берилган кейинги баёнотларга мувофиқ улар ҳурматга сазовор бўладилар, уларга тўла эркинлик ва даҳлсизлик гарантияланади, улар яшаш жойи ва машғулот турини бемалол танлай оладилар ҳамда уларга бунинг учун ҳамма имкониятлар бериб қўйилади, деб таъкидлайди. АДР ҳукумати Покистон маъмурларини ва бошқа қўшни давлатларнинг маъмурларини мазкур кишиларнинг Афғонистонга бемалол қайтиб келишларига кўмаклашишга чақиради. Шундай бўлишига қарамай, афғонларнинг бир қисми қайтиб келишни хоҳламаса , шу билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам тегишли аҳдномаларга эришиш мақсадида икки томонлама музокаралар давомида муҳокама қилиниши лозим.

3. Биринчи ва иккинчи бандларда кўрсатилган проблемалар ўзаро мақбул тарзда ҳал этилиб, шу асосда Афғонистон билан унинг қўшнилари ўртасидаги муносабатлар нормаллаштирилгандан кейин АДР ҳукумати икки томонлама муносабатларнинг бошқа масалаларини ҳам, шу жумладан узоқ вақтдан бери ихтилоф туғдириб келаётган масалаларни ҳам кўриб чиқишга тайёр бўлур эди.

4. АДР ҳукумати Покистон ва Эрон билан олдиндан ҳеч қандай шарт қўймай икки томонлама музокаралар ўтказишни таклиф қилар экан, бунда мазкур музокараларнинг ўтказилиши вақтида Афғонистонга қарши душманлик фаолияти давом эттирилмаслиги лозимлигига қатъиян асосланади. Бинобарин, сиёсий жиҳатдан ҳал этиш жараёни бошланган пайтданоқ Афғонистон ишларига аралашувга бош қўшган барча давлатлар томонидан унинг ишларига қуролли ва бошқа ҳар қандай аралашув тўхтатилганлигидан яққол далолат берувчи амалий тадбирлар кўрилиши керак.

5. АДР ҳукуматининг фикрича, Афғонистон билан Покистон, Афғонистон билан Эрон ўртасидаги икки томонлама аҳдномалар комплексидан ташқари баъзи давлатларнинг Афғонистон учун ҳам, шунингдек, икки томонлама аҳдномалар бошқа қатнашчилари учун ҳам мақбул бўла оладиган тегишли сиёсий кафолатлар сиёсий жиҳатдан ҳал этишнинг таркибий қисми бўлиши лозим. Уларнинг орасида, АДРнинг фикрича, Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар бўлиши керак. Кафолатларнинг асосий маъноси бундай кафолат берувчи мамлакатлар ўзлари Афғонистоннинг Покистон ва Эрон билан икки томонлама аҳдномаларини ҳурмат қилишлари ҳамда ўз обрў-эътиборлари билан шу аҳдномаларни мустаҳкамлашларидан иборат бўлиши лозим. АҚШ томонидан бериладиган кафолатларга келганда, улар Афғонистонга қарши, шу жумладан бошқа мамлакатларнинг территориясидан қўпорувчилик фаолияти олиб бормаслик хусусида аниқ-равшан ифодаланган мажбуриятни ўз ичига олиши керак.

6. АДР ҳукумати шуни билдирадики, чекланган совет ҳарбий қисмларини Афғонистон территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масала ҳам сиёсий ҳал этиш билан боғлиқ равишда ҳал қилиниши лозим. Қуролли бостириб киришларни ва Афғонистон ички ишларига аралашувнинг бошқа ҳар қандай шаклларини тўхтатиш ҳамда уларни қайтадан бошламасликка кафолот бериш Афғонистонни мазкур ҳарбий қисмлар ўз территориясига киритиш тўғрисидаги илтимос билан СССРга мурожаат этишга мажбур қилган сабабларни тугатган бўлур эди. Совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш масаласи Афғонистоннинг Покистон билан ва Афғонистоннинг Эрон билан икки томонлама аҳдномалари самарали кафолотлари тўғрисидаги масаланинг ҳал этилишига конкрет равишда боғлиқ бўлади.

7. АДР ҳукумати сиёсий ҳал этиш давомида Ҳинд океани ва Форс кўрфази районига мансуб бўлмаган давлатларнинг шу райондаги ҳарбий-сиёсий фаолияти ҳам эътиборга олинсин, деган фикрни билдиради. АҚШ қуролли кучларининг Ҳинд океанида ва Форс кўрфазида кўпайтирилаётганлиги хусусида бошқа давлатларнинг хавотирланишига қўшилиб, АДР ҳукумати шу районни тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги, бу ердаги ажнабий ҳарбий базаларни тугатиш ҳамда кескинликни камайтиришга ва хавфсизликни мустаҳкамлашга доир бошқа чоралар кўриш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайди.

АДР ҳукумати сиёсий жиҳатдан ҳал этиш хусусидаги мазкур таклифларни ўртага қўйиш билан бирга Афғонистон манфаатларига тааллуқли масалалар АДР ҳукуматининг иштирокисиз ёки унинг фикрига зид равишда муҳокама қилиниши ва айниқса ҳал этилиши мумкин эмас, деб мутлақо равшан қилиб яна бир бор айтади. Шу билан бирга Афғонистон ҳукумати бошқа давлатларнинг музокаралар бошланишига кўмаклашувчи куч-ғайратларини фойдали деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у қўшилмаслик ҳаракатининг раиси сифатида Куба Республикасининг холис хизмат қилиш тўғрисида бошлаган ташаббусини табриклайди ва қўллаб-қувватлайди.

АДР ҳукумати сиёсий жиҳатдан ҳал этишнинг ўзи таклиф этаётган конкрет программасини Эрон Ислом Республикасининг ҳукумати муносиб равишда тушуниб холис ният билан кутиб олади, деб умид қилади. АДР ҳукумати ўзининг Покистон билан муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги таклифларини Покистон ҳукумати амалий ва ижобий тарзда кутиб олишидан умидвордир.

Бу эса юқорида тилга олинган проблемаларни музокаралар йўли билан ҳал этишга амалий равишда киришиш имконини беради.

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ТЕҲРОН. Эроннинг раҳбари оятилло Ҳумайни 2 июндан 5 июнгача Теҳронда АҚШнинг Эронга қарши агрессив ҳаракатларини текширувчи халқаро конференция ўтказилишини маъқуллади. Эрон президенти Банисадр Теҳрон радиоси ва телевидениеси орқали гапириб Америка Эронга нисбатан яна бир иғвогарлик тайёрлаётганлигини маълум қилди. У айтдики, ўзида бўлган маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Эрон территориясида 96 нафар америкалик бўлиб, улар келаси икки ҳафта мобайнида бир қанча диверсиялар ва бошқа қўпорувчилик ҳаракатлари қилишни мўлжалламоқдалар.

Президент АҚШ Эрон революциясига душман унсурлар ҳамда шоҳпарастлар диверсия ҳаракатлари қилиши учун мамлакатнинг турли шаҳарларига қурол-яроғ ҳам юбориб турганлигини таъкидлади.

Собиқ шоҳ Американинг бевосита гумаштаси эди, у Вашингтондан кўрсатмалар олиб турар ва АҚШ маъмурияти ниманики талаб қилса, ҳаммасини бажо келтирарди. «Жумҳурия исломий» газетаси гаровга олинган — АҚШнинг Эрондаги ҳарбий атташелиги собиқ ходими Жозеф Суикнинг шу сўзларини келтирган. Шоҳ ўз халқига қарши шундай оғир жиноятлар қилганки, бу жиноятлар иккинчи жаҳон уруши даврида бўлганида уни Нюренбергдаги процессда суд қилишган бўларди. (ТАСС).

МАРҲАБО, ДЎСТЛАР

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ · Тошкент-80

Раззоқ ҲАМРОЕВ,
СССР халқ артисти

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган муқаддас шиор билан ўтаётган Тошкент кинофестивалининг навбатдагиси очилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Дўстлик ва қардошлик шаҳри деб ном қозонган гўзал Тошкентимиз яна байрам либосига бурканмоқда. Бу галги кинофестивалда қатнашадиган мамлакатлар сони бешинчи киноформдагидан анча кўп бўлиши ҳозирдан маълум бўлди. Демак, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг турли бурчакларида Тошкент анжуманимиз руҳига ҳамоҳанг ижод қилувчи, унинг шиори талабларига ўз интилишлари билан жавоб берувчи, қолаверса ,уч қитъа киносанъатининг бугунги проблемаларини биргаликда ҳал қилишга аҳд қилган кинематографчилар кўп. Ана шуларнинг ташрифи, шубҳасиз, VI кинофорум савиясини янада мазмунли қилади.

Тошкент кинофестивалининг халқаро майдондаги обрў-нуфузи ошиб бораётгани сабабини анжуманнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган шиоридан қидирмоқ керак. Қадрдон фестивалимизни бошқа шундай халқаро маданият байрамларидан ажратиб турадиган асосий фарқ ҳам худди шу шиорда. Шуниси қувончлики, фестиваль кунлари расмий программада кўрсатилаётган аксарият хорижий фильмлар шу шиор руҳига ҳамоҳанг, унга жавоб беради. Шахсан мен фестивалнинг дастлабкисидан бошлаб кўпгина хорижий ҳамкасбларим билан учрашиб, алоқа қилиб келаман. Уларнинг ижодини мунтазам кузатиб бораман. Эзгу ниятли дўстларим яратаётган асарлар тинчлик ,социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ишига ҳисса бўлиб қўшилишга арзигулик. Ишончим комилки, VI кинофестиваль кунларида ҳам худди шундай фильмларни кўплаб кўрамиз.

Тошкент кинофестивали— катта санъат мактаби. Бу ерда жаҳон киносанъатининг машҳур намояндалари иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар, кинематографиянинг айни кунлардаги долзарб проблемалари хусусида ўзаро фикр алмашадилар, кўрсатилган фильмлар юзасидан конкрет фикр-мулоҳаза билдирадилар. Айни вақтда киносанъатга эндигина кириб келган, илк фильмлари, илк актёрлик ишлари билан кўзга ташланаётган кинорежиссёр ва актёрларнинг ижодига холисона баҳо берадилар. Энг муҳими, тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг ролини янада кучайтириш юзасидан маслаҳатлашиб оладилар. Шуларни ўйлаганимда, уч қитъа кинематографиясида сўнгги йилларда пайдо бўлган ,ҳозирги кунда жаҳон киносанъатининг энг яхши намуналаридан деб ҳисобланаётган бир қатор фильмлар кўз олдимга келади. Бу асарлар ҳиндистонлик кинематографчилар ижодида ҳам ,монголиялик ҳамкасбларимиз ишларида ҳам, кубалик ёки сириялик санъаткорлар ижодий фаолиятида ҳам кўплаб топилади. Демак, бизнинг қадрдон кинофестивалимиз ҳақиқий маънода дунё киносанъатининг равнақига кўмаклашмоқда. Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг бир доно таърифини келтириб ўтмоқчиман. У киши шундай ёзади: «Кино арбобларининг Тошкентдаги халқаро учрашувлари тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда, киносанъатини янада равнақ топтиришда кинематографчиларнинг кучларини жипслаштиришга ижобий таъсир ўтказиб келди ва, шубҳасиз, келажакда ҳам шундай таъсир ўтказаверади». Бу кинофестивалимиз моҳиятига, унинг хизматига берилган энг тўғри, энг асосий баҳодир.

Гўзал Тошкентимиз улкан кино байрамига тайёргарликнинг энг сўнгги ишларини олиб бораётир. Ҳозиргача кўрилган тараддуд кўзда тутилганидек ҳар томонлама юксакдир. Лекин асосий иш олдинда. Яъни фестивални муваффақиятли бошлаб, кутилганидек давом эттириб, уни юксак савияда ниҳоясига етказиш керак. Бу иш фақат кинофестиваль Бош дирекциясининг ишигина эмас, балки барча ўзбек санъаткорларининг, тошкентликларнинг, қолаверса, бутун республикамиз аҳлининг ҳам фахрли ишидир.

Биз Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг турли бурчакларидан, шунингдек, дунёнинг бошқа қитъалари мамлакатларидан ташриф буюрадиган дўстларимизга «Марҳабо!» дейиш билан бахтиёрмиз.

АХБОРОТ

ОБИДАГА ИККИНЧИ УМР

Хива шаҳар тарихий ёдгорликларини тиклаш ва таъмирлаш устахонасининг қўли гул усталари яна бир хайрли ишни ниҳоясига етказдилар. Хоразмда яшаб ижод қилган маърифатпарварлар: шоир, таржимон ва тарихчи олим Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, ўзбек классик адабиётининг таниқли намояндаси, шоир, тарихчи олим Муҳаммад Ризо Огаҳий, ўзбек демократ шоири ва инқилоб куйчиси Аваз Ўтар, шоир ва машҳур санъаткор Қурбон ота Исмоиловнинг қабрлари тикланди. Янгидан ва бир комплекс ичида тикланган қабрлар эски Хива меъморчилиги усулида қурилиб, ёзувли қабр тошлари ўрнатилади.

Ичан қалъа тарихий обидалар ансамбли марказида тикланган бу ёдгорлик кўпчиликнинг зиёратгоҳига айланди.

И. ЭШЖОНОВ.

ОЛИМПИАДАГА БОРИШАДИ

Сариосиё районидаги Ленин номли колхоз маданият уйи ҳузуридаги «Райҳон» ашула ва рақс халқ ансамблининг ташкил топганига олти йил бўлди. Ансамбль шу вақт ичида район, область колхоз-совхозларида тез-тез бўлиб, кенгайтирилган программа асосида хилма-хил концерт бермоқда. Ансамбль аъзолари ижрочилик маҳоратларини кун сайин ошириб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. Бу халқ ансамбли областда ягона. Халқ талантлари XXII Москва Олимпиадасига бориш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ш. ЭШМИРЗАЕВ.

ЯНГИ ОРОМГОҲ

Фарғона область Бувайда район партия комитети ва район ижроия комитетининг ташаббуси билан «Октябрь» колхози территориясида «Бўстон» дам олиш зонаси ташкил этилди. Бу оромгоҳ Улуғ Ғалабанинг 35 йиллиги куни ишга туширилди. Бу ерда ҳозир кафе, ошхона, чойхона, ёзги кинотеатр қурилмоқда. Бу қурилишларда райондаги 54 та ташкилот жамоатчилик асосида фаол қатнашмоқда. Дам олиш зонаси мактаб ўқувчиларини ҳам ўз бағрига қабул қилади. Ўқувчилар учун «Бўстон» пионер лагери ташкил этилмоқда. Лагерда 14 гектарлик боғ, стадион, сунъий денгиз бунёд қилинади. Кейинчалик «Бўстон» оромгоҳини иссиқ қум билан даволаш профилакторийсига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Р. ИЗБОСАРОВ.

* * *

Шунингдек, редакцияга **Қ. Мирзақулова** (Тошкент), **Б. Жуманиёзов** (Хоразм), **Э. Беюмов, Ш. Бекмуродов** (Сурхондарё), **Б. Сулаймонов** (Тожикистон ССР), **М. Раҳматов** (Самарқанд), **К. Нурманов** (Жиззах), **Қ. Хўжаахмедов** (ҚҚАССР), **Х. Қаюмов** (Андижон), **И. Аҳмедов** (Ангрен шаҳри), **Б. Маҳмудов** (Наманган), **Ғ. Абдураҳимов**, (Пахтаобод шаҳри), **Ш. Шаропов** (Қарши) ва бошқа ўртоқлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллаганлар.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ДАВР ТАЛАБИ

Жонажон партиямиз XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида кўп тармоқли халқ хўжалигини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш олий ўқув юртлари олдидаги жуда катта вазифадир. Кадрларнинг сифати ҳақида қайғуриш эса қабул имтиҳонларидан бошланади.

Тошкентда мамлакатимиз медицина ва фармацевтика олий ўқув юртларида қабул имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш масаласига доир Бутуниттифоқ анжумани бўлиб ўтди. Икки кун давом этган бу йиғилишда барча иттифоқдош республикалар медицина ва фармацевтика институтларининг ректорлари, ўқитувчи-педагогларидан 300 га яқин киши иштирок этди. Бундай анжуман Иттифоқимизда биринчи бор ўтказилиши. Йиғилиш қатнашчилари мутахассислар тайёрлашдаги муҳим босқич — қабул имтиҳонларига тайёргарлик ва уни ўтказиш борасида иш тажрибалари, таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

МУНОСИБ КАДРЛАР

Ф. Ю. ИСАКОВ,
СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи

— Қабул имтиҳонларида саралангaн йигит-қизлар институтдаги ўқув йиллари давомида ҳам яхши ўқийдилар. Бундай студент—эртанги энг яхши медицина ходими. Кадр танлашда ўзибўларчиликка, юзакичиликка йўл қўйилдими, бу студентнинг ҳам, ўқитувчининг ҳам шўри.

Ёшларнинг билим олиши учун минг-минг сўмлаб маблағ сарфлаётган давлатимиз бундан мутлако манфаатдор эмас. Партия ва ҳукуматимиз ёшларнинг медицинага бўлган ҳавасларини эътиборга олиб муттасил ғамхўрлик қилиб келаётирлар. Ўнинчи беш йиллик мобайнида медицина ва фармацевтика институтлари ҳамда университетларнинг медицина факультетларига қабул қилинувчиларнинг умумий сони 3920 кишига кўпайди. 1980 йилда жами 60 минг киши қабул қилинади.

ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Н. КУЧЕРЯВИЙ,
Кубань давлат медицина институтининг ректори

— Қабул давомида одатдаги имтиҳонларга қўшимча равишда абитуриентлар билан суҳбат олиб бориш тажрибасини синаб кўрдик. Бунда абитуриент махсус бланкага ёзилган 19 саволга жавоб беради. Савол-жавобга ҳаммаси бўлиб етти минут вақт ажратилган. Шу йўл билан абитуриентнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, у ҳақда муфассал маълумот олиш мумкин.

Касалхоналар, поликлиникалар, «тез ёрдам» станциялари, аптекалар, лабораторияларда оддий ходим бўлиб медицина стажи орттирган ёки разрядли спортчи, машинкада ёзишни билган, музика чала оладиган, чет тилида ўқиш ва ёзишнинг машқини олган ёшлар билан танишганингдан бошинг кўкка етади. Буларга ўз-ўзидан эмас, меҳнат билан эришилади. Шифокор бўлиш эса жуда катта меҳнат талаб қилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Москва Олимпиадасида иштирок этувчи 16 команда ўртасида қуръа ташланди. «А» ва «В» группаларига кирувчи коллективлар Москва, Ленинград стадионларида куч синашадилар. «С» ва «Д» группасига киритилган командалар Киев, Минск футбол майдонларига тушадилар. «А» группасига СССР, Аргентина ҳамда Замбия, Шимолий ва Марказий Америка, Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларидан бири киритилди. «В» группасига ЧССР, Колумбия, Гана, Қувайт каби мамлакатларнинг командалари жамланди. «С» группасида ГДР, Испания, Жазоир ва Япония футболчилари ўзаро куч синашадилар. «Д» группаси Югославия, Норвегия, Коста-Рика, Ироқ давлатларининг командаларидан иборат бўлди. Группаларда ўйинлар 20 июль куни СССР — Аргентина командаларининг учрашуви билан бошланади. 27 июлда чорак финал ўйинларига якун ясалиб, 29 июлда ярим финал учрашувлари бўлади. Учинчи ўрин учун кураш 1 августда ўтказилади. Олимпиада чемпиони 2 август куни аниқланади.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

✦ ВЕЛОПОЙГА. Кўпкунлик жаҳон пойгаси давом этмоқда. Совет спортчилари бешинчи босқич баҳсларидан кейин умумкоманда ҳисобида олдинда боришяпти. Пойгада иштирок этаётган олмалиқлик Ш. Загретдинов дуруст натижаларга эришяпти. Чунончи у иккинчи босқичда маррага иккинчи бўлиб келган бўлса, тўртинчи босқич пойгасида учинчи ўринни олди. Шоҳид энг фаол, стабиллашган ва универсал пойгачи сифатида иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

✦ ВОЛЕЙБОЛ. Аёллар командалари ўртасида СССР кубоги учун зонал мусобақаларда Тошкентнинг «Автомобилист» командаси муваффақиятли куч синашиб, соврин учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.30 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.00 — Музикали абонемент. 12.55 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.25 — Спортлото. 13.40 — Поэзия. 14.20 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Мзиури. Бадиий фильм. 15.55 — Ҳайвонот оламида. 16.00 — Халқаро музейлар кунига. 16.55 — Жаҳон музейлари. 17.25 — Мультфильм. 17.35 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сўзи. 18.05 — Концерт. 18.55 — 9-студия телетомошабинларга жавоб беради. 19.55 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Беш халқа. Бокс. Учрашув тугагач янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Сўз кетидан сўз келар. 10.35 — Миниатюралар театри. 11.20 — Эшмат — фаришта. Бадиий фильм. 11.50 — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга. 12.20 — Ота-оналар университети. 12.50 — Шеърият билан учрашув. 13.40 — Концерт. 14.40 — Спорт кўрсатуви. 15.10 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ҳунар — техника-таълими бадиий ҳаваскорлар концерти. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси VI Тошкент халқаро кинофестивали олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Комплекс механизация пахтачиликда бош йўналиш. 22.25— Умид. Бадиий фильм, 2-серия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.25 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ёшлик куйлайди. 9.30 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Дугоналар. 11.30 — К. Кенжаев қўшиқлари. 13.00 — Чорвадорлар мусобақасига кенг йўл. 13.30 — Йўл бошида. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 16.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 18.15 — Идеология ва ҳаёт. 19.45 — Музикали танаффус. 20.25 — Чолғу куйлари. 20.50 —Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Санъат саодатимдир. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Лирика кечаси. 23.20 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19—25 МАЙ

19 МАЙ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00— Время. 9.40— Гимнастика. 10.05— Кичик ўғилнинг кўчаси. Бадиий фильм. 11.40— Киносаёҳатчилар клуби. 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Концерт. 16.00— Оналарнинг мактаби. 16.30— И. Соколов-Микитов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.15 — Эркин кураш бўйича СССР чемпионати. 17.45— Горнчилар, қаердасиз! 18.15— Болалар бадиий коллективларининг концерти. 18.45— Илғор тажриба —умумхалқ мулки. 19.15 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05— Қорақалпоғистон АССР санъат усталарининг концерти. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Ҳужжатли фильмлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.15 — Мультфильм. 18.30 — Тошкент шаҳри ўнг қанот дружиначиларининг В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланган тантанали линейкаси. 19.30— Ахборот. 19.45 —Ноз-неъмат бунёдкори. 20.00—Узбекистон телевидениеси ва радиоси хорининг концерти. 20.30— Ахборот. 20.50 —Мужот. Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05— Дўстлик ва тинчлик фестивали. 22.15 — Салом фестиваль!

II.

20.05 —Янгиликлар. 20.25— — Ҳужжатли фильм. 21.25— Олий математика. 22.25 —Таниш чеҳра. Бадиий фильм.

20 МАЙ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00— Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05— Фильм-спектакль. 12.20— И. Брамс. Балладалар. 15.00 —Янгиликлар. 15.20— Хо Ши Мин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм. 16.15— Концерт. 16.45 — Объектив. 17.15 —Қишлоқ: Ишлар ва муаммолар. 17.45— Ёшлар адреслари. 18.45 — Врач суҳбатлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.45 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.55—Дунё воқеалари. 23.10 — Москва камер хорининг концерти.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 Сеҳргар Миша. Бадиий фильм. 12.00— Фильм-концерт. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Мис карнайлар. Бадиий фильм. 17.35 — Сўз кетидан сўз келар. 18.00 — Ёш куч. 18.30— Миллионлар ленинча университети. 18.45 —Ахборот. 19.00 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI Тошкент халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши. 20.00— Тошкент тароналари. 20.30— Ахборот. 20.50 — М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамбли ижро этади. 21.30— Время. 22.05 —Комплекс механизация— пахтачиликда бош йўналиш. 22.25 — Дерсу Узала. Бадиий фильм 1-серия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Она тили. 20.55— Қизиқарли математика. 21.25— Физика. 22.25— Ҳужжатли фильм.

21 МАЙ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00— Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05— Тинч оқар Дон. Бадиий фильм. 1-серия. 11.50 — Орлёнок. 15.00 —Янгиликлар. 15.20— Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 16.05—Рус тили. 16.35— Серқуёш шаҳарлар. 17.05— Олга, болалайлар. 18.05 — Биргаликда аҳил оиламиз. 18.35 — Время программасининг почтаси. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Таллин оҳанглари. 19.40 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм 2-серия. 21.30— Время. 22.00 —Футбол бўйича ёшлар командалари ўртасида Европа чемпионати. СССР — ГДР терма командалари. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 —Физика. 12.00 —Фонарик. 12.30— Физика ва илмий-техника революцияси. 13.00 —Шеърият дафтаридан 13.20— Саройдан қочиш. Бадиий фильм. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Қувноқлар даврасида. 19.00 —Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Ғолибларга шон-шарафлар. 20.30— Ахборот. 20.50 —Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Лутфуллаев концерти. 21.30— Время. 22.00— Пилла—бойлигимиз. 22.15 —Дерсу Узала. Бадиий фильм 2-серия. 23.25 —Ҳужжатли фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Уйларимиз ҳокими. 20.55 — Физика. 21.55 — Реклама. 22.10 — Транспорт ва йўловчи. 22.40— Навбатдан ташқари ўйин. Бадиий фильм.

22 МАЙ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм, 2-серия. 11.55 — Горнчилар, қаердасиз! 12.25 — Халқаро конкурслар лауреати А. Дмитриев чалади. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбат. 16.55 — Шахмат мактаби. 17.25 — Москва комсомолининг ишлари. 17.55 — Концерт. 18.20 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро Олимпиада спортлотоси.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Мультфильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.15 — Тенгдошларинг ижоди. 12.35 — Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадиий фильм, 1-серия. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ғазал оқшоми. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI Тошкент халқаро кинофестивали.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ҳужжатли фильмлар. 20.45 — Ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳисоби. 21.10 — Назарий механика. 22.10 — Ўқитувчи экрани. 22.40 — Келажакка одимлаб. Бадиий фильм.

23 МАЙ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм. 3-серия. 12.00 — Халқаро конкурслар лауреати А. Насеткин чалади. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Ўқитувчига музика дарси. 17.10 — Қувноқ стартлар. 17.55 — Подмосковье учрашувлари. 18.25 — Синюшканинг қудуғи. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Мультфильм. 19.45 — Социалистик мамлакатлар бадиий коллективларининг концерти. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича халқаро учрашув. СССР — Франция терма командалари. Танаффус пайтида дунё воқеалари. 23.45 — Тинчлик велосипед пойгаси.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.20 — Қиличбозлик. 12.30 — А. Н. Толстой ижодига обзор. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадиий фильм 2-серия. 14.45 — Телевизион театр. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга. 19.20 —Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Музикали кўрсатув. 20.50 — Ўзбек цирки манежда. 21.30 — Время. 22.00— Оламда нима гап? 22.30 — Концерт.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Математика. 21.25 — М. А. Шолохов туғилган кунининг 75 йиллигига. 21.55 — Сарой таклиф этади. 22.25 — Тоғларда қолди менинг қалбим. Бадиий фильм.

24 МАЙ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.40 — Советлар ва ҳаёт. 11.10 — Москвичка. 12.25 — Спортлото. 12.40 — Сизни қизиқтирган китоблар. 13.25 — Адресимиз Совет Иттифоқи. 14.10 — Куёш омборхонаси. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Фильм-концерт. 16.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.15 — Олимпиадачи спортчиларнинг Москва шаҳар маданият арбоблари билан учрашуви. 18.25 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов сўзи. 18.55 — Мультфильмлар. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Уч номаълумли масала. Бадиий фильм 1- серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.35 — Тинчлик велосипед пойгаси.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Лирик концерт. 10.50 — Спорт программаси. 11.20 — Мактабгача ёшдаги бола ва мактаб. 11.50 — Светофор. 12.50 — Республика мулки. Бадиий фильм 1- серия. 13.55 — Ҳаёт кабн тирик. 14.25 — Спектакль. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Санъат ғунчалари. 18.45 —Нафосат оламида. 19.15 — Съёмка майдонидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Африка озодлиги кунига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.20 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI Тошкент халқаро кинофестивали.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.15 — Душанба кўрсатувлари.

25 МАЙ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Жаноби олийларининг адъютанти. Бадиий фильм 2-серия. 16.00—Ҳужжатли фильм. 16.30 — Концерт. 17.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Халқ оҳанглари. 19.25 — Бугун — химиклар куни. 19.40 — Химиклар кунига бағишланган музикали программа. 20.25 — Уч номаълумли масала. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Театр ва замон. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.25 — Концерт. 10.50 — Республика мулки. Бадиий фильм 2- серия. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Концерт. 13.40 — Оналар мактаби. 14.10 — Енгил атлетика бўйича Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон матчи. 14.50 — Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюроси таклиф этади. 18.20 — Мультфильм, 18.30 — Болалар учун концерт. 19.00 — Бугун — химиклар куни. 19.20 — Пилла— бойлигимиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Санъатимиз намояндалари. И. Икромов. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Санъатимиз намояндалари (давоми). 21.30— Время. 22.05 — Тошкент хореография билим юрти ўқувчиларининг ҳисобот концерти.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Л. М. ИСАЕВ НОМИДАГИ УЗБЕКИСТОН МЕДИЦИНА ПАРАЗИТОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

(протозой касалликлари бўлими)
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Группаларнинг катта илмий ходимлари: патоморфология ва электрон микроскопия, клиник протозоология ва микология (3 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700107, Тошкент шаҳри-107, Фарҳод кўчаси, 16-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг С. В. СТАРОДУБЦЕВ НОМИДАГИ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси, қаттиқ жисм физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, энергия турларининг ўзгариши.

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес:7 00084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 2 «б»-уй.

●

УРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САРНИГМИ)

радиолокацион сунъий йўлдош ахбороти анализи (ЛАРСИ) лабораториясининг катта илмий ходими
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 ИЮНГАЧА.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700052, Тошкент—Г-52, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 35-80-59.

●

М. И. КАЛИНИН НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: биология (умумий генетика билан, медицина фанлари доктори), нормаль анатомия (медицина фанлари доктори, профессор, доцент);
кафедра доценти: нормаль анатомия (доцент);
кафедра катта ўқитувчилари: физика, фалсафа;
кафедра ассистентлари: урология, нормаль физиология.
Конкурс муддати — 14 июнгача.

Мурожаат учун адрес: 71000, Андижон шаҳри, Навоий проспекти, 136-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/V да **Нодирабегим**, 18/V да **Уйланиш** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/V да **Ур, тўқмоқ** (15.00), **Гулбаҳор қани?** (19.30), 18/V да **Ур, тўқмоқ** (12.00), **Зеби-зебона** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «КУЗГА КУРИНМАС ОДАМ» фантастик-саргузаштли аттракционнинг гастроллари.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси Зиёд Исломович Есенбоевга онаси

Зулфия Бойназар қизи ЕСЕНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари Комитет раиси Зиёд Исломович Есенбоевга онаси

Зулфия Бойназар қизи ЕСЕНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва республика Информацион-ҳисоблаш илмий-ишлаб чиқариш маркази коллективлари шу марказнинг бош инженери С. Собировга отаси

Комилхон ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01996. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 113. 6